



Афгоний оғача (Биби Муборака) -Бобурнинг хотини, афгонларнинг юсуфзайи кабиласи бошлиги Малик Шохмансурнинг кизи (никоҳ 1519 й. Бехрага юриши пайтида, Кахрож дарасида ўқилган). “Б.”да Афгоний Оғачанинг исми келтирилмаган, лекин “Хумоюннома”да Афгоний оғача, “Жахонгирнома”да эса Бекабегим номи билан тилга олинган.

Афгоний Оғача Бобурнинг Хиндистонга килган харбий юришида ёнида бўлган. Бобурнинг харами Аграга келганида, ўзи ҳам анча ёш бўлгани учун саккиз ёшли Гулбадан Бегимнинг кўлини чиқариб қўйган. 1540 й. Хумоюн Хиндистон тахтини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлганда, Афгоний оғача Шершоҳ Сурран рухсат олиб, эрининг васиятини бажо келтириш учун хокини Кобулга олиб кетган ва у ерда дафн килган. Шу туфайли Хумоюн Афгоний Оғачани каттик хурмат килган. У Хиндистонни қайта фатх этгач, Афгоний Оғачани харам ахли билан бирга ўзининг саройига чақиртириб олган. У Акбар замонида вафот этган.

"Бобур Энциклопедияси" китобидан